


Уйларингизни қибла (намозгоҳ) қилингиз!

عَلَيْكُمْ بِقِبْلَتِكُمْ اُولَئِكَ



12:09 / 24.03.2020 4730

Коронавирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида масжидлар ва таълим даргоҳлари вақтинча беркитилгани сабабли ҳар бир оилага қуйидагилар лозим бўлади:

1. Оила аъзолари бир жойга жам бўлгани сабабли ўзаро жипслик, ёрдам, муҳаббат ҳамда уларнинг маслаҳалатидан кўпроқ фойдаланиб қолиш.
2. Тарбия томонга катта эътибор қаратиш, иймон ва таваккул фазилатларини сингдириш, шу билан бир қаторда сабабларни тутиш ҳамда Аллоҳ таолога ёлвориб дуо қилишга аҳамият қаратиш.
3. Хайри-эҳсон ва яхшилик улашиш ила раҳмдилликка ундаш ва бу ишларда мусобақаланишга тарғиб қилиш.

4. Уйда ҳам намозларни ота ёки аканинг имомлигида жамоат бўлиб адо этиш.

5. Қуръони каримни тиловат қилиш, набавий ҳадислардан ўқиш, ёдлай оладиганини ёдлаш, шунингдек, бошқа фойдали китобларни ҳам мутолаа қилиш.

6. Фарзандлар учун тадаббур ва тафаккур ҳалқалари ташкил қилиб, уларнинг заковатларини ва (эшитган ёки ўқиган нарсаларидан) муҳим хулосаларни чиқариб олиш қобилиятларини синаш.

7. Зикр ва дуоларни, Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга саловатни, шунингдек, истиффор, тасбеҳларни ҳамда маъсур дуоларни кўпайтириш.

Бутунжаҳон мусулмон уламолари кенгашининг раиси

Доктор Алий Муҳйиддин Қорадоғий.

Таржимон: Қудратуллоҳ Сидиқметов.